



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 24 май, чоршанба

№39 (11.224)

Эркин нархда сотилади

«УНИВЕРСИАДА-2000» СПОРТ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!
Барчангизни мамлакатимиз талаба-ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — камолот, гўзаллик ва спорт байрами билан чин қалбимдан самимий табриқлайман. Бу универсиадаанинг айнан «Соғлом авлод йили»да ўтаётгани теран маъно-мазмун касб этади.

Ватан, халқ шухратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари зришаётган галабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида галабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таяничи, деб биламан.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади.

Сиз, универсиада қатнашчиларига, янгидан-янги ютуқ ва зафарлар тилайман. Ишонаманки, эл-юрт равнақи йўлида қайси соҳада меҳнат қилишингиздан қатъи назар, спорт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

22 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш депутатлари ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров бошқарди.

Парламент депутатлари, Олий Мажлис қотибяти бўлимларининг раҳбарлари Тошкентда 25 май куни иш бошлайдиган иккинчи сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги ишларнинг дастлабки натижаларини якунладилар. Кичик гуруҳ раҳбарлари Н. Исмоилов, М. Миромлимов, И. Кочмарик сессия муҳокамасига ҳавола этиладиган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бериб, лойиҳалар юзасидан тўшаётган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиш Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида тугаллаётганлигини, ҳужжатларга энг охиригу тузатиш ва қўшимчалар киритилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Сессия ишига тааллуқли барча материаллар жойлардаги депутатларга олдиндан юборилди.

Йиғилишда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, депутатлар ишчи гуруҳи ҳужжатлар устидидаги ишлар, сессияга келувчи депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт, тиббий ва бошқа хил хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш, ялпи мажлислар ўтадиган залда «Рада-мажлис» овоз бериш электрон тизими пухта ишлашини таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни амалда ҳал этиб бўлди.

Ишчи гуруҳ раҳбари Олий Мажлисининг янги таркиби сайланиб, барча ташкилий масалалар ҳал этилгандан кейин парламент иккинчи сессиясида биринчи бор қонун лойиҳалари кўриб чиқилиши анжуманга алоҳида аҳамият бахш этаётганлигига ургу берди. Бундай муҳим ҳужжатлар орасида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам бор.

Унда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолат-

лари, имтиёзли кредитлаш ҳамда ҳисобот беришнинг қўшимча турларини белгилашдаги чеклаш масалалари ўз аксини топган бўлиб, солиқ солиш тизими бирмунча соддаштирилган. Сессия муҳокамасига шунингдек «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири ҳам киритилган бўлиб, бу иқтисодиётни янада эркинлаштириш ҳамда миллий қонун ҳужжатларимизни халқаро нормаларга ҳамоханг қилиш зарурати таъқозосидир.

Янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг соғлом авлод йилида кўриб чиқилиши, муҳокама этилишида рамзий бир маъно бор. Унинг таълимида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан Олий Мажлисининг ваколат доирасига берилган бошқа бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Депутатлар ишчи гуруҳи сессия кун тартиби лойиҳасини умуман маъқуллади, сессия қотибятининг мўлжалланаётган таркиби юзасидан бир тўхтамаг келди ҳамда бу ҳужжатларни Олий Мажлис кенгазининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиш учун таклиф тариқасида киритадиган бўлди.

Сессияга тайёргарлик ишлари парламентнинг қўмиталари ва комиссияларида, сиёсий партиялар депутатларининг фракциялари ҳамда депутатлар блокларида давом этмоқда.

Унда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолат-

(Ў.А.)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни Оқсарой қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) раиси Вольфганг Тирзе раҳ-

барлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда давлатимиз раҳбари, В. Тирзени нафақат Германия Республикаси Бундестаги (парламенти) раиси, балки мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон билан муно-

сабатларини ривожлантиришга анча хизмати сингган етук сиёсий арбоби, деб билишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасида парламентлар-

аро алоқалар, шунингдек, кенг қўламли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Вилоят ҳокимлигида

БИЛИМДОНЛАР ТАҚДИРЛАЙДИЛАР

Мамлакатимизнинг эртанги истиқболи бугунги кунда ёш авлод илм-фан сирларини қай даражада эгаллаётганига боғлиқ. Ана шунини ҳисобга олиб, кейинги йиллар ичида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида республикамиз, хусусан вилоятимизда қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Мактабларда иқтидорли болалар синфларининг ташкил этилиши, чуқурлаштирилган тарзда билим бериш усулининг жорий қилиниши, ўқув даргоҳлари моддий базасининг мустақамланиши, айти пайтда «Йил ўқитувчиси», «Билимдилар кўриги», «Олимпиадаларда куч синашамиз» каби таянчловлар ва бошқа омиллар бунинг ёрқин

Вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов республика олимпиадасида голиб чиққан ўқувчиларни қабул қилди

мисолидир.

Ана шундай «ўзига хос имтиҳонлар тизимида» вилоятимиз шаънини ифтихор билан ҳимоя қилаётган ўқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йил бўлиб ўтган республика олимпиадасида ҳам улардан беш нафари бу ўта масъулиятли курак совриндорлари бўлдилар. Хусусан, Оққўрғон туманидаги лицей-мактаб ўқувчиси Дилафруз Ражабова — биология, Паркент туманидаги 14-мактаб ўқувчиси Алишер Абзамов — тил ва адабиёт, Бустонлик туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Жулдиз Шайназарова қозоқ тили ва адабиёти, Чиноз туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Шароф Эргашев — физика фанлари бўйича биринчи, Бекобод шаҳридаги 5-мактаб ўқувчиси Анна Агненина — рус тили ва адабиёти бўйича учинчи уринларни эгаллаб,

олимпиада голиблари бўлдилар.

Вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов ана шу ёшларни эришган муваффақиятлари билан самимий табриқлаб, уларга қимматбаҳо совғалар топширди. — Мен сиздек йигит-қизлар билан фахрланаман, — деди у, — айти пайтда мактабларимизда худди сиз каби билимли, зукко, келажакда жамиятимизга астойдил хизмат қиладиган садоқатли фарзандлар сафи кенгайиб боришини жуда-жуда истайман.

Учрашувда вилоят ҳокими ўқувчиларнинг бундай ютуқларга эришишларига ҳисса қўшган устозларни ҳам қўтлаб, уларга машаққатли ва шарафли ишларида омадлар тилади.

Мулоқот давомида «Йил ўқитувчиси» танловида республикада учинчи уринга сазовор бўлган Ангрен шаҳридаги 29-мактаб она тили ва адабиёти

муаллимаси Зарифа Шокирхонова ҳамда Ўрта-чирик туманидаги 14-мактаб ўқувчиси, ёш ижодкор, Зулфия номидаги мукофот совриндори Рухсара Тулабоевалар ҳам вилоят ҳокими таъсирини руҳига ҳамда муқофоти-га сазовор бўлдилар.

Тадбирда сузга чиққан ўқитувчи Зарифа Шокирхонова, ўқувчи Шароф Эргашевлар ўз қобилиятларини рўбига чиқаришда ҳамжўрлик кўрсатган вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси раҳбарларига, устозларига миннатдорчилик изҳор этдилар.

Савдвали ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРДА: «Йил ўқитувчиси» голиби Зарифа Шокирхонова; Вилоятимиз мактабларининг республика олимпиадасида голиб чиққан ўқувчилари — (чапдан ўнгга) Шароф Эргашев, Жулдиз Шайназарова, Алишер Абзамов, Анна Агненина, Дилафруз Ражабова ҳамда ёш ижодкор, Зулфия номидаги мукофот совриндори Рухсара Тулабоеваларни кўриб туриб-сиз.

Анда САИТОВА олган суратлар.



Эртага — сўнги кўнғирок

ДИЛЛАРДА ТУҒЁН

Одатда, «Сўнги кўнғирок» жумласини эшитганимизда, кўнглимизда ҳам қувонч, ҳам маъносилик туйғулари пайдо бўлади. Олий ўқув юртини аъло баҳо-лар билан битириб, янги ҳаётга қадам қўйиш неча йиллик орзумиз бўлса, узоқ йиллар ўқиган кадрдон даргоҳни тарк этиш дилга озгина бўлса ҳам озор етказида.

Яқинда Тошкент Давлат жаҳон тиллари университети таржимонлик факультети тўртинчи курс талабаларининг сўнги кўнғироклари, бошқача айтганда, хайрлашув кечалари бўлиб ўтди.

Талабалар билан лиқ тўла мажлислар залида кечани университет ректори Жамолiddин Бўронов очди. У ўз фарзандларидек азиз бўлиб қолган талабаларни чин дилдан муборакбод этди. Проректор Гуландом Боқиева эса ёшларга бахтсаодат, уларнинг озод Ватанимиз раванга йўлидаги меҳнатларига ривож тилади.

Хуш овози билан ном

қозонган учинчи курс толибаси Барнохон Йўлдошева шўх қўшиқлари билан залда ўтирганларга хушнудлик бағишлади. Сахнага факультетнинг биринчи курс талабалари кўтарилдилар. Ўзбек, инглиз, немис, француз, испан ва итальян тилларида табрик сўзлари жаранглади. Уларнинг баддий чиқишлари жуда мароқли бўлди. Ҳажвий шеърлар, лирик қўшиқлар янгради, рақслар ижро этилди. Залдаги хушқамқай-фият барчани камраб олди. Хатто, университет ректори Жамолiddин Бўронов ҳам ўрнидан туриб, инглизча қўшиқ бошлаб юборди... Сўнги кўнғирок байрамга айланиб кетди.

Азиза АҲМЕДОВА.

УСТОЗЛАР ҚАДРИ

Сўнги кўнғирокнинг сирли оҳанги, Қалбларни титратиб забтига олар. Наҳот, болаликнинг шовқин, жаранги, Эҳтирос сеҳрини юлқиб, тинч қолар...

Устозлар қадрини билган кам бўлмас — Улардан бир умр қарздормиз қарздор. Эзгулик боқийдир — ҳеч қачон ўлмас — Эзгулик йўлида бўлайлик пойдор!

Унутманг! Ҳаёт деб аталмиш неъмат, Суронли курашга чорлайди ҳар он. Ким ҳалол меҳнатда кўрсатар ҳиммат — Демак — у чин инсон, унда бут иймон!

Сўнги кўнғирокнинг сирли оҳанги, Қалбларни титратиб забтига олар. Наҳот, болаликнинг шовқин, жаранги Эҳтирос сеҳрини юлқиб, тинч қолар...

Абдуманноб ТОЖИЕВ.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНING

ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 25 май куни эрталаб соат 10да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун 24 май куни соат 9.00дан 18.00га қадар ва эртага, 25 май куни эрталаб соат 8.30дан 10.00га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган Олий Мажлис депутатлари диққатига

Бугун, 24 май куни Олий Мажлисида соат 12.00да Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилиши ўтказилади, соат 13.00да — «Адолат» социал демократик партияси фракциясининг, соат 14.30да эса — ҳокимият вакилик органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилиши бўлиб ўтади.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ҲАММА БИЛИШИ ШАРТ

Қибрай туманидаги 1-ўрта мактабда «Сен бунинг билишинг керак» шиори остида Болалар конвенциясининг ўрганишга бағишланган машғулотлар бўлиб ўтди.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини мустақамлашга бағишланган бундай очик дарсларда мактабнинг юқори синф ўқувчилари, ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари ҳамда жамоат ташкилотлари ва халқ таълими



хотимлари иштирок этдилар.

Шунингдек, бу мавзуга бағишланган очик дарслар тумандаги бир қатор мактабларда ҳам ўтказилди.

Умида ИСМОИЛОВА.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ТЕРЕЗА ХОНИМ!



Янгийўл шаҳрида мана, қарийб уч йилдики, соғломлаштириш ўқув маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда 30га яқин ногирон болалар давола-ниб, таълим олишади.

Шаҳар ҳокимлиги, вил-

ят Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда швейцариялик ҳамкасблари ҳомийлигида ташкил этилган бу масканга яқинда халқаро эксперт Тереза Хенли ташриф бурди. Тереза хоним ногирон болаларнинг ўқиши, яшаш шароитлари билан танишиб, уларга 750 килограмм миқдорда озик-овқат маҳсулотлари ва совға-саломлар улашти. Ҳимматингизга балли, Тереза хоним дейишмоқда янгийўлликлар.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

ФАХРИЙЛАР ХУШНУД БЎЛИШДИ

Юқориқичиқ туманининг Янгийўл кўрғонидидаги Корасув маҳалласи фаоллари билан 7-ўрта мактаб ўқувчилари, Ҳамид Олимжон номидаги Болалар марказий кутубхонаси хотимлари ҳамда 11-болалар боғчаси тарбиячилари ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Уларнинг биргаликдаги ўтказётган тадбирлари алоҳида ўрин тутди.

Ана шундай тадбирлардан бири кунча Янгийўл кўрғонидидаги 11-болалар боғчасида бўлиб ўтди. У ақинда юртимизда кенг ишонланган Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланди. Иккинчи жаҳон уруши суронларида мардлик ва жасорат кўрса-



тиб жанг қилган фахрийлар таклиф этилди. Улар болажонларга ўзлари босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўллари ва уруш хотиралари ҳақида ҳикоя қилиб беришди.

Ҳоятда мароқли ўтган тадбир сўнгида 7-ўрта мактаб ўқувчилари ва болалар боғчасининг жажжи кичкинтойлари ижро этган қўшиқ ва рақслар фахрийларга хушнудлик бахш этди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Б У Г У Н
вилоятимизнинг республика чемпионати олий табақасидаги вакили

«Дўстлик» ўз майдонида

«Хоразм» жамоасини қабул қилади.

Учрашув соат 17.30да бошланади.

Қадрли футбол мухлислари, «Дўстлик» ўйингоҳига марҳамат қилинг!

БУЮК ДАВЛАТНИ СОҒЛОМ АВЛОД ҚУРАДИ

ЮНИСЕФ ҳамда «Хотин қизлар ва жамият» институтининг ҳамкорлиги

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президент Ислам Каримов буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлод қуриши мумкин, дейди. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир мамлакатнинг келажагини ёшлар белгилайди. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашимиз, бунинг учун ўзимиз ҳам юксак маданиятни, билимни ва шунга асосланган бўлишимиз керак.

Ёш авлодни билимли, руҳан ва жисмонан соғлом, дунёқараш кенг, зехни ўткир қилиб тарбиялаш учун жуда кўп чора-тадбирлар қўрилмоқда. Чирчиқдаги 9-мактабда 2000 йилнинг январидан бошлаб синовдан ўтаётган «Ўзбекистонда вақтлатили таълим» дастури ҳам шу мақсадга қаратилган. Унга «Хотин қизлар ва жамият» институтининг бош директори Н. Муравьева ва шу институт руҳани И. Гофурова раҳбарлик қилмоқдалар. Ўқувчилар замонавий муомила қилиш, зийраклик, ҳуқуқий билимдонлик асосларига ўқитилмоқда. Бу ҳамкорлик пировардида иккита маззавий семинарлар ўтказилди. Улар мактаб негизда ўқувчилар билан амалий ўйин шаклида ўтказилди.

Биринчи семинар «Ўсмирлар ўртасида гиёҳвандлик ва ВИЧ-инфекциянинг олдини олиш» маззавига бағишланди. Дастлаб йиғилганларга «Гиёҳванд моддалар ва ВИЧ-инфекциянинг ўзаро боғлиқлиги» видеофильми намойиш қилинди. Сўнгра тиббиёт фанлари номзоди, гинеколог Ф. Фозилова ўқувчиларга бундай иллатларнинг олдини олиш бўйича чоралар ҳақида гапириб берди. Шу институт ходимлари И. Гофурова, Н. Швеч бундай касалликлардан қандай қилиб ўзини ҳимоя қилиш ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Иккинчи семинарда эса, «Ўсмирларнинг репродуктив

ҳуқуқлари ва саломатлиги» масаласи муҳокама қилинди. Унда болаларга тушунарли шаклда, уларнинг ёшларига хос хусусиятларни ҳисобга олиб, ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича мавжуд халқаро конвенциялар, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳақида сўз юритилди. ЮНИСЕФ ҳар бир болага «Боланинг ҳуқуқлари тўғрисида конвенция», ота-оналарга эса «Ўсмир дунёси» рисоаларини топширди. Уларга ушбу курсни тугатганликларини тасдиқловчи сертификат ҳам берилди.

Семинарлар охирида қилинган иш давра сўҳбатда муҳокама қилинди. Унда вилот ҳокимининг ўринбосари С. Хўжаева иш-тирок этди.

Бизнингча бу жуда муҳим иш республикамиздаги бир неча мактаб доирасида чекланиб қолмаслиги лозим. Бу ишни режали олиб бориш, ҳукумат органлари, ўқув юртлири, жамоат, республика ва халқаро ташкилотларнинг бу йўлда сарфлайдиган куч-гайратлари бизга соғлом авлодни, фақат жисмоний эмас, шу билан бирга соғлом фикрловчи, иймон мустаҳкам, билимдон, юксак ахлоқли, жасур ва довурак, ўз Ватанини чексиз севадиган авлодни тарбиялашда ёрдам беради.

Дилбар РАШИДОВА,
вилот ҳокимлиги
оила, оналик ва
болаликни ижтимоий
муҳофаза қилиш
қотибатиининг бош
мутахассиси.

«БЕРН ИТТИФОҚИ» ТОШКЕНТДА ЙИГИЛАДИ

Республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва экспорт кредитларини жалб этиш, хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. 25-26 май кунлари Тошкентда ўтказилган кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш халқаро иттифоқининг («Берн иттифоқи») Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-кредит агентликлари навбатдаги йиғилиши бу борадаги муҳим қадам бўлади.

Унда «Берн иттифоқи»га аъзо бўлган ўндан ортиқ Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг экспорт-кредит агентликлари раҳбарлари иштирок этади. Учрашувда 1997 йилдан жабб мазкур халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган «Ўзбекинвест» экспорт-импортни суғурталаш миллий компанияси мамлакатимиз вакили сифатида иштирок этади.

Йиғилишда халқаро савдони кредитлаш ҳамда инвестиция учун қўлай шароит яратишда муҳим ўрин тутувчи экспорт-кредит агентликлари ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади.

(ЎзА).

МУРОСАСИЗЛИК УЛАРНИНГ ШИОРИ

Ангрен-Оҳангарон-Олмалик минтақасида саноатнинг турли тармоқларига қарашли ўнлаб замонавий, йирик корхоналар жойлашган. Уларнинг халқ ҳўжа-лиги, иқтисодиётдаги мавқеи ниҳоятда салмоқли, аини вақтда атроф-муҳитни кўп даражали булғовчи манбалар ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, бу минтақада ҳаво ва сувнинг тоза бўлишини таъминлаш, унинг таркибидagi турли чиқиндилар меъёр даража-сидан ошмаслиги учун тўғривис назорат олиб бориш, аниқланган камчи-ликларни вақтида бартараф этиш лозим. Акс ҳолда табиатга, инсонлар саломатлигига салбий таъсир қилиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб Оҳангарон иттиқослашган таҳлилий назорат инспек-цияси ташкил этилди. У ишлай бошлаганига тўрт йил бўляпти. «Ўзбекистон табиатини ва соғлом авлодни сақлаб қоламиз!» шiori остида меҳнат қилаётган лаборатория жамоаси ўз фаолияти билан юқорида номлари

қайд қилинган учта шаҳар-дан ташқари Ўртачирчиқ туманини ҳам қамраб олган. Табиатимиз химоячи-лари икки йўналишда ҳаракат қилмоқдалар — ҳавога зарарли моддаларни тарқатувчи манбалар ва оқава сувлар таркибини таҳлил қилишга. Камчи-ликлар, нуқсонларни аниқлаб, теъдилка уларни бартараф этилишига эри-шиш учун барча чорани кўрмоқдалар.

Лаборатория ходимлари-нинг хайрли ишларидан кўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Ўтган йили ҳам анча самарали ишлашди. Масалан, «Оҳангаронце-мент» акциядорлик жамия-тида зарарли моддаларни ҳавога чиқариш меъёрдан ортиб кетганлиги аниқлан-

БУ КОРХОНА гематоген ишлаб чиқаришга их-тисослашган, шундай муҳим ва зарур маҳсулот тайёрлаш бўйича фақат Ўзбекистонда эмас, балки, Марказий Осиёда ҳам ягона ҳисоблана-ди. Бу хусусий корхона раҳбари Лазоқат ҚАЮ-МОВА муҳбиримиз билан сўҳбатда унинг бар-по этилиши, фаолияти ва муаммолари ҳақида куйидагиларни гапириб берди.

— Маҳсулотимизни оддийгина қон дори ҳам дейишади. Ҳақиқатдан ҳам у киши танасидаги қонни қўпайтириш, яхши-лашга ёрдам берадиган бебаҳо неъматдир. Айниқса, қанқонлик касаллиги фуқаролар-да, шу жумладан, ёшларда содир бўлаёт-ган ҳозирги пайтда унга талаб ошиб бор-моқда. Келажагимиз булган ёш авлоднинг соғлом қамол топиши учун давлат миқёсида-ги саяё-ҳаракатлар кен-гайиб бораётган экан, биз ҳам ўз маҳсулоти-миз билан унга озги-на булса ҳам ҳисса қўшишга даъват этил-ганмиз. Шуни идрок қилишнинг ўзи масъ-улиятимизни ошира-ди. Қон-дорини кўпроқ ишлаб чиқариш йўли-даги фаолиятимизга куч-гайрат бағишлай-ди.

Аввало, шуни мам-нуният билан қайд қилишим керакки, биз шундай зарур маҳ-

сулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятимиз борлигини маъълум қил-ганимизда Янгийул шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташки-лотлар уни тўла қўллаб-қувватлашди ҳамда ҳар-томонлама ёрдам бериш-га тайёр эканликларини билдиришди. Бу бизга гайрат бағишлади. Режа-

Хусусий корхоналарда

мизни дарҳол амалга оширишга киришдик. Бунинг учун зарур бино ажратиб беришди. Кре-дит олиш масаласи ҳам қўзилмади. Бизга 11 миллион сўм ажратиш-ди, уни имтиёзли шарт-лар билан узоқ муддат-га беришди. Бу маблаг ҳисобига бинони таъмир-ладик, керакли асбоб-ус-куналарни сотиб олиб ўрнатдик. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирганимизга ҳам бир неча йил бўлди.

Буюртмачиларни из-лаб овора бўлмаймиз. Уларнинг ўзлари кели-шяпти. Тайёрланган маҳ-сулотимиз бирор кун ҳам ётиб қолмапти. Навбатда турган мижозларимиз ге-матогенни пешма-пеш олиб кетишяпти. Улар орасида «Соғлом авлод», «Экосан», «Эколот», «Наврўз» жамғармалари, вилот дори-дармон акци-ядорлик жамияти, мак-табгача ёшдаги болалар муассасалари ва бошқа-лар бор.

ҚОН-ДОРИ — ДАРМОН ДОРИ



Лекин, афсусланарли-си шундаки, ҳозирча биз барча буюртмаларни ба-жаришнинг урдасидан чиқолмаймиз. Ўтган йили 1,5 миллион донa гематоген ишлаб чиқар-дик, холос. Бунинг асо-сий сабаби мавжуд иш-лаб чиқариш қувватла-ридан тўла фойдаланиш-га эришолмаётганимиз-да. Чунки, корхонамиз-да бир кунда 40-50 минг атрофида қон-дори тайёр-лаш имкони мавжуд бўлгани ҳолда бор-йўғи унинг тўртдан, бешдан бир қисми миқдориди

ишлаб чиқариляпти. Корхонамиз бир маром-да ишласа, ҳар йили бемалол ўн миллионга гематогенни мижозлар-га етказиб беришимиз мумкин.

Муаммо хомашё таъ-минотида бориб тақала-ди. Қўлланаётган тех-нология бундай ашёлар-ни четдан олиб келиш-га асосланган. Бизни, айниқса, крахмал шин-иси ва қон-дорига ранг берувчи қора аль-бумининг етишмасли-ги жуда қийнамоқда. Уларни хорижий мам-лакатлардан эркин ал-маштириладиган валю-тага сотиб олишга мак-бур бўляпмиз. Валюта-ни топиш учун маҳсу-лотимизни четга чиқа-ришимиз керак. Биз бунинг яхши биламиз. Ҳозирча бундай қила-олмаймиз. Асосий сабаб гематогенга ички бозорда талаб жуда кат-талидир. Шунинг учун, аввало бозорни шу маҳсулотимиз бил-лан тўла таъминлашга эришимиз керак. Бу бизнинг энг муҳим вазифамиз, деб ҳисоб-лаймиз.

Юқорида банкдан 11 миллион сўм кредит ол-ганимизни айтиб ўтган эдим. Уни узоғи билан жорий йилнинг 1 октябригача узишни мўлжаллаб турибмиз. Шундан кейин оли-наётган соф фойда ўз ихтиёримизда қолади. Унинг асосий қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфлаймиз.

Сўҳбатдош: Мирсобир МИРҲАМИДОВ,

«Тошкент Ҳақиқати» таъ-михбири.
Суратқаш Даврон-АХМАД олган ушбу сурат-ларда корхонанинг илгир ишчиларидан Муборак Абдуқодиров, Галия Саматова ва Олия Ибрагимовлар (юқорида), қадоқловчилар Мавлуда Мирвалиева ва Муборак Абдуқодировларини (паст-да) иш устида кўриб турибсиз.

Маҳаллалар ҳаётидан

ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА

ЖОНКУЯР, доимо эл-юрт ташвиши билан яшайди-ган одамларни ташки қиёфаларидан, сўзлари, ҳатти-ҳаракатларидан ҳам билиб олиш мумкин. Аслида ви-лотимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида бундай-ларни кўплаб учратамиз. «Маҳалла» ҳайрия жамғар-маси Бекобод тумани бўлими кенгашининг раиси Эргаш ака Рўзиев ҳам ана шундайлар сирасига қиради. Бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, 53та ма-ҳаллани бошқариб келаётган бу меҳнат фaҳрийси ҳақида туман ҳокими муовини Раҳимжон Шукрулиев кўнгли тўлиб гапирар экан, отахоннинг ташкилотчи-лик қобилиятини, ҳар бир инсонга эътиборлилик ҳис-латини алоҳида таъкидлади.

— Худди армия коман-дирлари каби темир инти-зомли, ўзига ва бошқаларга таъаббат билан қара-диган, аини пайтда ўта ғамхўр инсон, — деди у. — Шу боисдан ҳам ўзгариш-лар катта.

Бу фикр тасдиғини биз Э. Рўзиев билан қатор ма-ҳаллаларда бўлганимизда аниқ кўрдик.

— Мана бу бизнинг «Гу-листон»имиз, — деди кен-гаш раиси икки чеккалари кўм-кўк дов-драхтарлар би-лан қопланган ораста кўча-ларни айланб бўлганимиз-дан кейин «Фикрингиз қан-дай» деган маънодаги нигоҳ билан.

Ростдан ҳам чиройли жойлар экан. Маҳалладаги шинам ҳибонлар, гулзор-лар бу йилги сув танқисли-гига қарамай, аҳолининг ўз истиқомат жойларини обо-донлаштириш, тобора кўркамлаштиришга инти-лаётгани ҳавас қиларли эди.

— Ўзгаришлар сезилиб турипти, — дедик.

Маҳалла оқсоқоли Ва-ҳобжон Мадаминов бизга бу йил қабристонни обо-донлаштиришга кўпроқ эътибор берилаётгани ҳу-

сусида ҳам гапириб берди. «Тошкентдаги «Минор», «Чигатой» қабристонларини қўриб қайтганимдан кейин ўзимдан-ўзим ҳафа бўлиб кетдим», — деди у. «Хўш, нима учун биз ҳам бундай муқаллас дароҳларимизни ораста, соя-салқин жойга айлантирмаслигимиз, қабр-ларни турли ўт-ўланлар, ти-канлардан тоза тутмаслиги-миз керак, деган саволини фаолларимизга бердим. Улар фикримга қўшилиш-ди. Энг муҳими ҳашардан-ҳашарга одамлар гавжум бўлиб боришмоқда».

Мазкур маҳаллада ораста-лиқни таъминлашда, жино-ятчиликнинг олдини олиш-да маҳалла посбонлари ҳам алоҳида фаоллик кўрсатиш-моқда. Ана шу ишларга жон-дилдан киришган маҳалла посбони Фарҳод Турсунов қўшни Тожикистон респу-бликасида гиёҳванд молдани олиб ўтишга ҳаракат қилган фуқарони ушлаб, туман ички ишлар бўлимига топширгани учун яқинда жамғарма туман бўлими томонидан алоҳида рабағлатлангилди.

«Истиқлол» маҳалласи посбони Маҳмуд Олимов,

ҚАНЧА УРУҒ ДЕСАНГИЗ БОР

ДЕХҚОН етиштира-диган ҳосилнинг бара-қаси кўп омиллар катори уруғнинг сифатига ҳам боғлиқ бўлади. Шу боис, вилот «Сабза-вотнавуруғлари» бир-лашмаси Хўжаликлар-нинг бу борадаги эҳтиёжини талаб дара-жасида баҳаришга ин-тилиб келмоқда. Ўтган йили бирлашма дала меҳнатқашларига 23 миллион сўмлик уруғ сотди ва 1,5 миллион сўмлик соф фойда кўрди.

— Биз эртанги кун ҳақида ҳам доимо ўйлай-миз, — дейди бирлашма раҳбари Рустам Кари-мов. — Шу ниятда захира уруғлар ғамлаб борила-ди. Ҳозир оғирларимиз-мизда 18 хил сазавот-нинг 28 навидан жами 30 тонна уруғлик сақланмоқ-да.

Мазкур жамоа ходим-лари вилотдаги уруғчи-ликка мослашган хўжа-ликлар, фермерлар бил-лан доимий ҳамкорлар. Аини пайтда қўшни вило-ятлар билан ҳам алоқа-далар. Чунончи, 1999 йил-да Андижон, Фарғона, Самарқанд вилотлари-дан 2 миллион сўмлик сара уруғлар сотиб олин-ди.

Бирлашма Зангиота туманининг «Бўзсув», Бўстонлиқ туманининг «Енбек», «Кўшқўрган» ширкат хўжаликлари бил-лан шартнома асосида деҳқончиликни ҳам йўлга қўйган. Хусусан, сабзи, укроп, кашинч, қарам уруғлари шу жамоаларда тайёрланмоқда.

Албатта, ҳар қандай корхона ёки хўжалик ўз маҳсулотини хорижга чи-қармагунча, унинг оёққа туриши мушкул. Ана шуни ҳисобга олиб, бу йил бирлашма тасарруфиди-га 250 гектар ерга экил-ган пиёздан сифатли уруғ олиб, четга сотиш мўлжаллаган.

Сайд ВАЛИЕВ.

ЧИМЁНГА БАҒИШЛАНДИ

ЖАҲОН атроф муҳит муҳофазасига бағишланган бу матбуот анжумани «Чимён-2000» экологик савҳат фестивали дастури доирасида марказий Чимён да-расининг экологик ҳолати бўйича рейд натижалари-га бағишланди.

Унда «Экосан» жамғар-масининг раҳбарлари ва вакиллари, Тошкент ви-лояти ҳокимлиги, Чимён саёҳат мажмуининг ва бошқа қатор жамоатчи ташкилотларнинг вакил-лари ҳамда миллий ва чет эл ахборот агентлик-лари ҳамда оммавий ах-борот воситаларининг журналистлари ва мух-бирлари қатнашдилар.

Матбуот конференция-

сини «Экосан» халқаро жамғармасининг раиси Юсуфжон Шодиметов қис-қа қириш сўзи билан очди.

Унда Бўстонлиқ тумани ҳокимининг биринчи ўрин-босари Н. Ганиев, соғлом авлод йили ва жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш йилига бағишланган «Чимён-2000» экологик са-ёҳат фестивали лойиҳаси-нинг муаллифи Л. Козлов-

ский, вилот табиати му-ҳофаза қилиш кўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Жўраев, Чимён саёҳат мажмуининг бош директо-ри Р. Абдураимов ва бош-қалар мазкур экологик тадбирнинг якунлари ҳақида гапириб, журнали-стлар саволларига жавоб бердилар.

Матбуот анжуманида киши дам олиш мавсу-мидан кейин Чимён мар-казий дарасининг эколо-гик ҳолати бўйича ўтказилган рейд якунлари ҳақидаги фильм намойиш этилди.

Чара

ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

РЕЙТИНГДА ГАП КУП

Ўқувчиларнинг билим да-ражасини назорат қилиш-нинг рейтинг тизими Ўзе-бекистон Халқ таълими ва-зирлиги томонидан 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мак-табларининг 1-9-синфлари учун Низом лойиҳаси таж-риба-синов майдончалари-да қўлланишга тавсия этил-ган эди.

Бундай муҳим маърифий жараён Ўртачирчиқ тумани-даги 1-мактабда биология фани бўйича уюштирилди. Тажриба-синов майдончаси машғулотларини олиб бо-риш олий гоифали ўқиту-чи Шукур Юсуповга ишониб топширилди. У доцент Ой-дин Хайдарова ҳамкорлиги-да амалга ошириладиган бўлди. Тажриба-синов нати-жаларини мазкур зиёлилар ҳаммуаллифлигида тезис ҳолида чоп этиш тарадду-ди бошлаб юборилди.

Ақбар АЛИЕВ.

